

Якинда археологлар уюшмаси - «Скотланд-Ярд»нинг собик хизматчиси Грехам Мелвин ва тиббиёт фанлари профессори, нев-ролог Ян Ишервуд Гарб матбуотида шов-шувли макола билан чиқишди, яъни, 1352 йил сирли тарзда тўсатдан вафот этган кадимги Мисрнинг ёш фиръавни Тутанхамоннинг кандай ва нима сабабдан ўлганлиги тўғрисидаги жумбокни очишди.

Тутанхамон тахтга ўтирганда жуда ёш, бор-йўғи саккиз ёшда эди. Отасининг ўлимидан сўнг Тутанхамон фиръавн деб тан олинди. Бирок ёш бўлгани учун ўз-ўзидан давлатни бошқара олмаган. Бу жиддий вазифани Тутанхамоннинг ўғай онаси, сохибжамол Нефертити ва унинг саройдаги якинлари бажаришган.

Археологлар томонидан топилган манбаларга караганда, вояга етаётган Тутанхамон ва Нефертити ўртасида муносабатлар яхши бўлмаган. Шу боис, Нефертити учун ёш фиръавн билан алокалар бузилишининг олдини оладиган бирдан-бир йўл кизи Анхесенамонни ёш фиръавнга никохлаб бериш эди ва шундагина у Тутанхамон устидан ҳокимиятни йўқотмасди.

Нефертити вафотидан сўнг ёш фиръавн ҳамда унинг мухолифлари вазир Эе ва талантили саркарда Хоремхеб ўртасидаги ҳокимият учун кураш янада кескинлашиб кетади. Тутанхамон эса айш-ишрат, ов каби кўнгилочар машгулотларга берилиб кетади. Эхнатон биринчи бўлиб яккахудоликка сизиниш, яъни, Куёш худосига итоат қилишни жорий этиб, кўп худоликни бекор қилган. Юзлаб ибодатхоналарни ёптирган ва бу ислохотига қарши бўлган жуда кўплаб дин пешволари ва ҳарбий саркардаларни қатл эттирган. Унинг душманлари Эхнатоннинг ўлимидан сўнг кўпхудоликни тиклашиб, унинг ўғлини отасининг диний қарашларидан воз кечишга мажбур этишган.

Бунинг оқибатида ёш ва тажрибасиз Тутанхамон рухонийлар ҳокимиятини тиклайди.

Хуллас, Тутанхамон қутилмаганда вафот этди. Бу фактни ҳали унинг учун тайёрланмаган қабрдан ҳам билиш мумкин, чунки бундай эҳтиёткорликни ундан олдин шохлик қилган барча ҳукмдорлар бажаришар, яъни, ўлимларидан олдин қабр тайёрлаттириб қўяр эдилар. Шундай қилиб, дафн маросимлари янги фиръавн Эе бошчилигида ўтказилиб, унга Тутанхамондан нафакат тахт, шунингдек, унинг бева хотини ҳам мерос бўлиб қолади. Агар Тутанхамон узок муддат қасалланиб ўлганида эди, у ўзи учун абадий ҳаётга кетишга ҳозирлик қўриб қўйган бўларди.

Шундай қилиб, Тутанхамоннинг ўлими кадимги Мисрда энг машҳур бўлган сулоланинг ҳукмронлигига нукта қўйди. Шундан сўнг, диний қелишмовчиликлар барҳам топди, аммо сарой ичидаги қелишмовчиликлар ва қариндошчиликка асосланган никоҳлар янада қўпайди. Аммо инглиз изкувари Мелвин ва доктор Ишервуд бу фактларни инкор этадилар. Улар ўзлари олиб борган текширув ва ҳужжатларга асосан шундай қарорга қелишди: ёш фиръавн сарой фитнасининг қурбони бўлган. Тутанхамон тўққиз йил ҳукмдорлик қилади. Ўлимидан бир йил олдин у уйланиб ўз бахтини топади. Текширувлар натижасида ундан ҳеч қандай қасаллик аломатлари топилмади ва қайд

этилмайди. Унинг ўлими тўсатдан, ҳеч ким кутмаганда юз беради. Хўш, кандай килиб?

Ишервуд томонидан олиб борилган рентген текшируви фотосуратлари шуни кўрсатдики, унинг бош мияси орқа томонига кучли зарб билан урилган, шу етказилган жароҳат натижасида Тутанхамон ҳаётдан кўз юмган. Унинг ўлиmidан манфаатдор бўлиши мумкин шахслар бу вазир Эе ва ҳарбий саркарда Хоремхеб бўлган. Тарихдан маълумки, улар Тутанхамоннинг дунё юзини кўришига қарши бўлганлар. Чунки меросхўр иккала вазирни ҳам тахтга эга бўлишдан маҳрум этар эди. Шунинг учун Эе ва Хоремхеб фитна уюштиради. Негаки, улар тезда ҳукмдорни ўз йўлларида олиб ташлаб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишлари керак эди. Шундай ҳам бўлади.

Шу тариқа, Тутанхамон ўлимининг асл сабабини кўрсатишда олимлар энди икки хил тахминга таянишмоқда. Мелвин ва Ишервуд ҳулосаларига кўра, огир гурзи билан унинг бош қисми орқа томонига зарба берилиб, бош қаноти синдирилган бўлса, иккинчи вариант қасаллик билан боғлиқ янги тахминда фитначилар фиръавни қўмиш учун барча маросимларни аъло даражада ўтказганлари ҳамда унинг жасадини ерга чуқурроқ қўмиб, ҳеч ким топа олмайдиган тарзда яширганлари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Сўнгра унинг барча, улар қаторида отаси фиръавн Эхнатон билан боғлиқ бўлган ибодатхоналари ҳам йўқ қиладилар.

... Бугунги кунда энг ёш Миср ҳукмдорининг қабри бу заминдаги шохлар водийсидадир. Уни 1922 йилда Говард Картер топган.

Уйғун Жумаев тайёрлади